

СССРнинг Ўрта Осиёдаги ГПУсида тўпланган «Товар» ва «Правители» деб номланган махфий ҳужжатлар мажмуидан китобхонимиз хабардор. «Правители»даги маълумотлар асосан амирлик хазинасининг Бухоро совет ҳукумати ва коммунистик партияси раҳбарлари томонидан «ўгирлангани» ва «ўзлаштирилгани»га оид. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ГПУнинг бу ҳуфячилар томонидан тайёрланган маълумотларида ҳеч шубҳа уйғотмайдиган асосли ҳақиқатлар билан бир қаторда таҳмин ва гумонлар ҳам мавжуд. Бизнингча, уларнинг қайси бири ҳақиқат, қайси бири тухмат эканлигини тўла аниқлашни иложи йўқ. Шунинг учун ҳам биз уларни русчадан ўзбекчага ағдариб, қандай мазмунда бўлса шундайлигича, биров қисқартириб ва умумлаштирган ҳолда айнан баён этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Чунки китобхонимиз уларнинг мазмун ва моҳиятини ўзи англаб олади, деган умиддамиз.

ГПУ ҳужжатларида амирдан қолган хазинани топиб, уни ўзлаштириб олган деб қўрсатилганларидан энг кўзга қўринарлиси Мирзо Муҳиддин Мансуров ва унинг ўғиллари Мирза Исом, Мирза Мансур, Мирза Абдулқодир, Мирза Хайрулло Муҳиддиновлардир. Ҳужжатларда уларнинг хазина билан боғлиқ бир қатор ҳатти-ҳаракатлари баён этилган. Лекин уларнинг бирортасининг ҳам «қирдикори» қош этилиб жавобгарликка тортолмаган. Аммо гап шундаки, бу маълумотлар кишини бевосита ўзига тортади ва бефарқ қолдирмайди.

Ўшалардан бири «Бухоро амирига тегишли бойликлар ва унинг БХСР ташкил топиши олдидан хлати ҳақида маълумотнома» деб номланган бўлиб, у Юдин деган ходим томонидан тайёрланган. 1920 йил 20 июнда эса маълумотнома Ўзбекистон ССР Давлат Сийосий бошқармаси раиси ўринбосари Гофецкий томонидан махсус йўлланма хат билан СССРнинг Ўрта Осиёдаги Махсус Давлат Сийосий бошқармасининг ваколатли вакили Бельскийга юборилган. Унда шундай дейилган: «Бухоро инқилоби пайтида Мирза Муҳиддин Мансуров амирдан қолган хазинани ҳисобга олуви Марказий комиссия раиси бўлган. У ўша пайтда амирнинг қамқоқ олинган мирзаларига ҳукумат номидан агар амирнинг хазинаси қаерда сақланиб қолганлигини қўрсатсанлар озод қилиб юборамиз, деб ваъда бериш билан бирга, уларга тазйик ўтказди. Бунга ишонган махбуслар (Мирза Умар ва Мулла Мирза — С.Х.) эса, 17 сандик олтин ва бриллиантлар қўмилган жойни ошқор қиладилар. Бу 17 сандик бойликни, у Мирза Умар билан Мулла Мирзаларнинг ёрдамида топиб, ўзиники қилиб олади. Бирок хазина топилган кечасиёқ Мансуровнинг буйруғи билан Мирза Умар отиб ташланади. Мулла Мирза эса Бухоро шаҳридан номаълум бир томонга олиб чиқиб кетилди. Мана шундай йўл билан Бухоро амирининг хазинаси ва унга жуда яқин бўлган қозикалоннинг тахминан 30 миллион сўмлик бойлиги Мансуровнинг қўлига бўлиб қолади». Шунини ҳам қўшимча қилиш керакки, «Маълумотномада амирнинг қимматбаҳо тоғи ҳам Мансуровнинг қўлида бўлган деган фикр бор.

Мирза Муҳиддин Мансуров Бухородаги жаҳидчилик ҳаракати асосчиларидан. У Бухоро тарихига оид ҳужжат ва китобларда қайд этилишича, дастлаб биринчилар қаторида ўз уйида жаҳид мактаби очган. 1910-1917 йилларда махфий фаолият юритган жаҳидларнинг «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») номли маърифий ташкилоти ҳамда ошқора чоп этилган тоғича «Бухорои Шариф» (1912-1913) йиллар газетасига ҳомийлик қилган. Жаҳидчиликни моддий маблағ билан таъминлаб турган савдогар бойлар қаторида туриб, халқ манфаати, маориф ва маърифат йўлида қаттагина

ишларни амалга оширган.

У Ёш бухороликлар партияси ташкил топиши ва фаолият юритишида энг фаол ташкилотчилардан ҳисобланган. Шунинг билан бирга М.Мансуров бошқалар катори амирнинг 1917 йил 7 апрелда ислохот ўтказиш ҳақидаги «Манифест»ни имзолашига ҳам катта ҳисса қўшади. Жадидларнинг 8 апрелдаги кўча намойиши фожиа билан якун топиб, 30 киши камокка олинганидан кейин Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитаси раиси этиб сайланади. Шундан сўнг ўз фаолиятини Москвада давом эттиради. 1919 йил ноябрида Шарк халқлари коммунистик ташкилотлари Марказий бюроси қошида Бухоро бўлими ташкил этилишида фаоллик кўрсатиб, Москвада «инкилобий тажриба» ортиради, тарбияланади.

Файзулла Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, М.Мансуров амирнинг 1917 йил апрелдаги ислохот ҳақидаги манифести билан боғлиқ ҳолда юз берган катагонлик сабабли Когон шахрига қочиб ўтиб, Ёш бухороликлар сафига уч ўғли билан келиб қўшилган. Бундан олдин эса у амирнинг савдо соҳасидаги энг ишончли кишиси, машхур қарвонбоши Азизов билан шахсий рақобатда бўлиб, бу кейинчалик сиёсий муҳолифатга айланиб кетиши сабабли амирдан чўчиган ҳолда Бухородан кетади.

Умуман олганда, М.Мансуров амирликда кўзга кўринган йирик савдогар бой, миллат маърифати ва таракқиёти фидойиси, амирга қарши бўлган жадидлардан бири. Шунинг учун ҳам у Бухорода коммунистик босқинчилар ёрдамида Ёш бухороликлар давлат тўнтариши ясаб, амирни мамлакатдан бадарга этгач, Бухоро совет ҳукумати таркибига қиради ва ўта муҳим лавозимларни эгаллайди.

1923 йилга келиб, М.Мансуров 63 ёшга тўлиши муносабати билан қарилик баҳонасида ҳукумат таркибидан чиқиб, қоракўл, жун ва бошқалар савдоси билан машғул бўлади. «Товар»даги Мансуровга тегишли маълумотлардан яна бири 1928 йил 17 мартдан то 1 апрелгача Бухорога Москвадан махсус топширик билан келган, номи кўрсатилмаган воқалотли бир ходимнинг ҳисоботида. Бу ҳисобот каттагина ҳажмда бўлиб, қуйидаги мавзуларга бўлинган: 1) «Муҳиддиннинг бойлиги»; 2) «Мирза Муҳиддиннинг бойлигини бошқа гувоҳлар қандай аниқлангани»; 3) «Қозикалоннинг ҳазинаси аниқ ва аста-секинлик билан Муҳиддиновнинг қўлига ўтгани»; 4) «Мирза Муҳиддиннинг қозикалоннинг бойлиги ҳақида айтганлари»; 5) «Муҳиддиновлар оиласи ҳақида баъзи бир мулоҳазалар»; 6) «Бухоро амирининг бойлиги ва у сақланадиган жойни тўла-тўқис биладиган шахслар».

Қуйида бу ҳисоботнинг ўзбекчага ағдарилган қискача матнини келтирамиз:

«Муҳиддиннинг бойлиги масаласи кейинги пайтларда бир неча бор кўтарилмоқда. Бу масала билан нафақат Бухоро, Тошкент, Самарқанд, шунингдек, Москва ҳам қизикмоқда. Москванинг сиёсий архивида Файзулла Хўжаевнинг ўрт. Рудзутакка, агар ҳукумат Мирза Муҳиддин Мансуров ва унинг қариндошларини камокка олишга розилик берса, СССР оմборига ўттиз миллион сўмлик маҳсулот ва бойлик қайтарилиши ҳақида айтганлари сақланмоқда. Мирза Муҳиддин Мансуров эса, Ф.Хўжаевнинг бу баёнотини шунчаки ҳазил деб айтмоқда.

Мирза Муҳиддин кейинги йилларда ўз капитал маблағи ва бойлигини чет элга ўтказиб юбориш учун жиддий машғул бўлмоқда. Дастан у хорижга ҳаж сафари баҳонасида кетмоқчи бўлди. Лекин бунинг иложи бўлмади. 1923 йилда унинг ўғли Мирза Хайрулло қоракўл тери савдоси билан хорижга чиқади. Бундан фойдаланиб, Муҳиддин Мансуров савдодан тушган етти юз минг нақд пулни ва махфий равишда четга олиб ўтилган бриллиантлар ҳисобидаги икки ярим миллионлик олтин пулни Германияга ўтказишга

муваффақ бўлади.

Мирза Хайрулло бу пулларни ўз номидан Германиядаги банклардан бирига кўяди. Бирок, унинг бу ўзбошимча харакатидан чол (отаси — С.Х.) норози бўлади. У капитални ўзининг номига кўйилишини хоҳлаган эди-да! Хозиргача ҳам Мирза Мухиддин Мансуров бунга эсидан чиқар олганича йўқ.

Мансуров бундан бошқа ўз бойлигини хорижга ўтказишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, шундан сўнг савдо агентлари орқали сармойасини Москва, Боку, Тошкент, Самарканд, Душанбега ўтказди. У қоракўлчиликка катта маблаг сарфлайди. Бухоро атрофидан, Кўргонтепадан ва бошқа жойлардан қоракўл кўйларни кўраси билан сотиб олади. Шунингдек, у пахтачиликка ҳам пул сарфлайди...

Мансуровнинг шу усулда ўз капитални маълум жойларга сарфлашдан мақсади, СССРда қоладиган оила аъзоларини пул билан таъминлаш бўлган эди. Ўзи эса қандай қилиб бўлмасин хорижга ўтиб кетишнинг пайида бўлди. Мана шундай мақсади умидида амалга оширган хатти-харакатларидан бири, у ўзининг таниши, синашли жўраси А.А.Гелликнинг хотини Зинаида Григорьевна Гелликка сохта никоҳ билан Москвада уйланиши бўлди. Бунинг эвазига ўз хотинини кўйиб, унинг Мансуровга турмушга чиқишига «рози» бўлганлиги учун А.А.Геллик ўз «дўсти»дан 100 минг сўм олган. Бунга Мансуровнинг ўгли ва неваралари гувоҳ.

З. Г.Геллик М.Мансуровга ўз мақсадини амалга ошириш, яъни чет элга қочишга ва бойликларини хорижга ўтказиши ҳам да бошқа муҳим ишларини амалга ошириши учун қарак эди».

Маълумотномада ёзилишича, М.Мансуров З.Г.Гелликка уйланишдан ташқари ўз мақсади йўлида яна бошқа хийла-найрангларни ҳам сунъий равишда уюштиради. Масалан, у жамоатчиликни қалғитиш учун ўгли Мирза Абдуқодирнинг уйдаги бойликларни ўғрилар ўғирлашини ёлгондакам уюштиради. Шунингдек, у ҳамма ўғил-қизу келинларини йиғиб, жуда катта қарздор бўлиб қолганлигини айтиб, агар аёллар жами тилла тақинчоқларини бермаса, ўзини қўлида ушлаб турган стакандаги йодни ичиб ўлдиришини айтади., Аёллар эса бунга рози бўлиб, уни «ўлимдан» саклаб қолади.

Маълум бўлишича, Мирза Мухиддин Мансуров ўзини ночор қилдириб кўрсатган ва уйдаги бойлигини эса фарзандлари талашиб-тортишиб олиб кетган маънода билдириш учун яна бир ақл бовар қилмайдиган тадбирни ўйлаб, бунга ҳам росмана жамоатчиликка ошқор қилади. Бу гал энди, у ўз уйда келини Захроой (ўгли Хайруллонинг хотини) билан бир қаравотда ётган бўлади. Бунга кўрган Хайрулло эса кечаси соат ўн бирларда катта ақаси Исом, унинг оила аъзолари ва онасини чақириб келиб, тўс-тўполон кўтаради. Кампир эса эри Мухиддинни қалиш билан уради, ҳақоратлайди.

Шундан сўнг унинг уйдаги рўзгор анжомлари «дили сиёҳ бўлган» фарзандлар томонидан бўли олинади. Шу бахонада М.Мансуровнинг олдиндан оғох бўлиб шай турган одамлари ҳам келиб, амирдан қолган ҳазина бойликларини ҳам олиб кетиб, ишончли жойларга яширадилар. Қария эса шип-шийдон бўлган, вайрона кўринишдаги уйда бир ўзи қолади. «Уят»дан масжиду намозларга боролмай, кўча-кўйларга чиқолмай қолади. Аммо зимдан ўз одамлари орқали вазиятни ўзи бошқариб боради.

Қўлимиздаги ўша «Маълумотнома»нинг охирида яна қуйидагилар ёзилган: «Шу нарса маълумки, Мухиддиннинг оила аъзолари четга қочишга тайёр. Унинг ўгли Мирза Исом хориж паспортини олган. Мирза Хайрулло эса хозир баъзи бир қишлоқлар орқали Афғонистон паспортини олишга ҳаракат қиляпти. Мирза Низом аллақачоқ хориж паспортини қўлга қиритган. Мирза Мухиддин /Мансуров/ ҳам Зинаида Григорьевна

оркали ўрбий Германияга чиқиб кетиш учун хориж паспортини олади.

Колган бойликларни эса хорижга Мирза Хайрулло олиб кетиши керак. Бу тўғрида у Афгон вакили билан Бухорода гаплашиб олган. Шунингдек, бу масала Тошкентдаги Афгон бош консули билан ҳам бир неча бор келишиб олингани маълум».

«Маълумотнома»нинг асосий мазмун ва хулосаси шуки: М.Мансуров жуда ақлли ва уддабурон, тадбиркор одам. У амирдан колган хазинани ҳамда мамлакатда амирдан кейинги иккинчи катта бой — кози-калоннинг ҳам бойликларини ўзиники қилиб олган. Бунинг маълум қисмини хориж (Германия)га чиқариб улгурган. Колганларини эса энди олиб чиқиб кетишга каттик қиришган холда фаолият юритмоқда. Бу тахминан 1917-1927 йиллар оралигидаги катта тарих ичидаги «кичик тарих» бўлиб, хужжатларнинг мазмунидан кўришиб турибдики, кокеа тугалланмаган. Аниқрок қилиб айтсак, М.Мансуровнинг шундан кейинги фаолияти ва тақдири бизга номаълум. Буни аниқлаш бундан кейинги вазифа бўлиб турибди. Чунки, бу миллат учун зарур бўлган кўпгина тарихий воқеаларнинг рўёбга чиқишига ёрдам беради.

ГПУ ходимлари томонидан тўпланган махфий хужжат ва хуфяномалар мажмуи, яъни 243 — «Товар» номли махсус махфий давлат ахамиятига молик кузатув «иш»и («дело»си) 1922-1928 йилларга оид бўлиб, шундан сўнг ҳаракатдан тўхтатилиб, архивга топширилган. Ундаги М.Мансуровнинг фаолиятига қаратилган масала охирига етказилмаган. Агар мана шунга суяниб фикр юритсак, «килини қирқ ёрган» ГПУ бу гал «иш»ни охиригача еткази олмаган. Бу эса, Мансуров томонидан амир ва козиқалондан колган олтин бойликлар ўзлаштирилганлиги исботланмаганлигидан далолатдир ёки исботини топа олмаган ҳақиқатдир. Лекин бир нарса маълумки, М.Мансуров катта бой, савдогар ва ишбилармон бўлган. Пул топиб бойлик орттиришни яхши билган. Шу маънода унинг ўз бойлигини асраш ва хорижга чиқиб кетиш учун қилган ҳатти-ҳаракатини ижобий баҳоламоқ керак. Унинг «қарздор бўлиб» аёлларнинг тилла тақинчоқларини йигиб олиши, З.Г.Гелликка «уйланиши» қаби сохта, хўжақўрсин учун қилинган ва бошқа ҳаракатларини ўша коммунистик ва адолатсизлик зулмининг қусури деб тушунмоқ керак. Тарихдан маълум бўлишича, М.Мансуровнинг ўғиллари ҳам жадидчилик ҳаракати ва ундан кейинги тарихда фаолият кўрсатганлардан. Уларнинг хизмати тарихда ўз ўрни ва баҳосига эга. Айниқса, бу ўринда Мирза Абдулқодир Мухиддиновнинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир. У ҳам Бухородаги апрел фожиасидан кейин жабрланиб, муҳожирликда, Бухородан четда «инқилобий фаолият» билан банд бўлди. Бухоро коммунистик партияси ташкил топишига катта хисса қўшди. У 1920 йил 16 августда Чоржўйда қақирилган партиянинг IV қурултойида делегат сифатида қатнашди. Худди мана шу қурултойда советлар Россияси армиясининг Бухорога бостириб бориб амирликни тугатиши ҳақида қарор қабул қилинади.

Бухоро коммунистик босқинчи армия томонидан босиб олиниб, Ёш бухороликлар ҳокимиятни эгаллагач, М.А.Мухиддинов партия ва ҳукумат лавозимларида ишлайди. 1920 йил 14 сентябрда эса, у Бутун Бухоро Инқилобий Кўмтаси раиси этиб тайинланади. Унда ҳам бошқа жадидлар қатори коммунистик мустамлақачиликка нисбатан норозилик қучаяди. Шу сабабдан ҳам Бухорода 1920 йил сентябридаёқ Аҳмад Заки Валидий бошчилигида иш бошлаган аксилкоммунистик махфий ташкилот — «Туркистон миллий бирлиги» Ўрта Осиёда яширин фаолият юритади.

Тарихий маълумотларга кўра, бу ташкилотга 1921 йил 30 июл куни Абдулқодир Мухиддиновнинг уyiдаги «гап»да, яъни махфий мажлисда А.З.Валидий Туркиядан Мустафо Камол пошонинг махсус топшириги билан Бухорога қелган Туркия Буюк Миллат

Мажлиси аъзоси Ислом Сўфи таклифи билан рахбар этиб сайланади.

«Товар» ва «Правители»да М.Мансуровдан ташкари Бухоро компартияси ва совет ҳукуматининг яна бир гуруҳ рахбарлари амирдан колган олтин хазинани ўзлаштириб хорижга кочиб кетганликда айбланади. Бу айбдорларнинг «айби»ни бугунги кунда сал бошқачарок талкин қилиш ҳам мумкин. Гап шундаки, буларнинг ҳаммасини ҳам бир ихл маънода ўғри, кочок ҳамда муттахамликда айблаш унча тўғри эмас. Чунки уларнинг хатти-харакати ва мақсадлари ҳамда танлаган йўли ўша даврдаги ўта мураккаб тарихий муҳит билан боғлиқ бўлган. Уларнинг аксарияти халқ ва ватан манфаати йўлида бел боғлаб амирни тахтдан ағдаришда Россияда бош кўтарган «большевик балоси»дан фойдаланиб, унинг маккорона тузогига илинганлигини жуда тез англаб етдилар. Шу сабабдан ҳам Ватанда қолиб хизмат қила олмасликлари ва аста-секин ўзлари бадном бўлишларидан қўра, хорижга кетиб жон саклашлари ёки кейинчалик қайтиб қелиш умидида бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Юкоридаги «Маълумотнома»да «хазина ўғриси» сифатида яна қуйидагилар кўрсатилади: БХСР молия нозири (вазири) Носир Ҳақимов, Молия вазирлиги Молия бошқармаси бошлиги Сатторхон ўаффорхўжаев, БХСРнинг Германиядаги савдо ваколатхонаси бошлиги Юсуфбек Муқимбоев, БХСРнинг Афғонистондаги элчиси Юсуфзода, Бухоро Инқилобий Кўмитаси қошидаги Фавқулудда комиссияси раиси Муҳитдин Хўжаев ва бошқалар.

Агар М.Мансуров амирдан колган олтин хазинани ҳисобга олиш комиссиясининг раиси бўлган бўлса, Н.Ҳақимов омон колган хазинани топиш, БХСРнинг молиявий асосини ташкил этишга рахбарлик қилади. Топилган хазина дастлабки кунларданок тўла маънода унинг тасарруфида бўлган. «Мен Ҳақимовнинг олдида қирсам, — деб эслайди 1934 йилда Файзуллахўжа Тўқсобе Мухаммадиев, — у ерда (Ҳақимовнинг кабинетиди — С.Х.) Муҳиддин Мансуров (Абдулқодир Муҳиддиновнинг отаси), Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) кутиб ўтирган экан. Сухбат чоғида улар менга ўрислар ўзлари олдин топиб олиб кетган жойлардан бошқа олтин сакланаётган жойларни биладиган қишиларни топиб беришни сўраётганлигини айтди. Мен ўша жойларни кўрсатишга рози бўлдим. Мирза Муҳиддин Мансуров ва Усмон Хўжа билан бирга фойтунда «Арқ» томон йўл олдик. Йўлда... Усмон Хўжа менга қарата айтди: «Агар олтинлардан колган бўлса, ўрусларга бу жойларни кўрсатиш бизлар учун фойдалиқ эмас, ... уларни қалғитишингиз қерак...»

Шундай қилиб, руслар қалғитилиб, амирнинг бошқа жойда — ертўланинг пастки қисмида сакланиб қелинган қатта миқдордаги иккинчи бир лтин хазинаси омон қолади ва кейин у топиб олинади. Бунда биргина Н.Ҳақимов эмас, балки У.Пўлатхўжаев ва албатта Ф.Хўжаевларнинг жасорати қатта бўлди.

Н.Ҳақимов 1922 йил 2 январда Бутун Бухоро Марказий Ижроия Кўмитаси, Бухоро Халқ Нозирлари Совети ва БКП Марказий Кўмитасининг қўшма мажлисида Шарқий Бухородаги «босмачилиқ уруши»га қарши қурашиш утузилган Фавқулудда комиссия раиси этиб тайинланади.

Бухоро совет ҳукумати рахбарларининг хазина билан боғлиқ фаолиятини қузатувчи ҳуфячи «Зухра» деган ном остида иш юритган. У 1926 йил 13 июндаги «Бухоро Республикаси МИК ва Молия нозирлигидаги жинойтлар ҳақида ахборот»ида ёзади: «Бухоро Халқ Комиссарлари Қенгашининг пул фонди Файзулла Хўжаев, Бухоро МИКнинг пул фонди эса Муҳиддинов ва Молия нозири Носир Ҳақимовларнинг қўлида бўлган.

Н.Ҳакимов ўша пайтда Бухоро Республикаси хазинасидаги қарийб ҳамма бриллиант бойликларини олиб Туркияга қочиб кетган. У ҳозир Туркияда яшайди, у ерда қимматбаҳо тошлар савдоси билан машғул».

Баъзи бир маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Н.Ҳакимов топилган хазинани хоҳлаган пайтда келиб кўриш ва назорат қилиб туриш вколатига эга бўлган. Масалан, кунлардан бир кун у хазинага кириб, ундан тахминан ўн қарат келадиган бриллиантни рўмолчасига ўраб олади-да, қайтиб чиқишда қоровулнинг олдида рўмолча билан бурун артган бўлиб, уни тушуриб юборади ва уни қоровулга олгин деб таклиф қилиб, уни синаб кўради. У олмайди. Шундан сўнг бриллиантни қайта ертўлага кириб қолдириб, қоровулга тўғрилиги учун раҳмат айтиб кетади.

Ушбу хуфянома мана бундай сўзлар билан яқунланади: «Бир сўз била, айтганда, кўпгина мўътабар шахслар собиқ Бухоро Республикасини бошқариб ҳукмронлик қилиш эвазига бойиб кетганлар. Уларнинг бойлиги бутун умрларига етади ва ҳатто меросхўрларига ҳам қолади».

Бизнинг қўлимизда Сатторхўжа ўаффорхўжаевнинг Амир хазинасининг ҳисоботи комиссиясига 1922 йил 14 январда, 20 ва 31 декабрда ва яна битта санасиз ёзган хатларидан 4 тасининг кўчирмаси бор. Уларнинг мазмуни асосан мана бундай: «Ҳисоб комиссиясига. МЕНГА 20.000 сўмлик тилла юборинг. Расмий қогоз кейин жўнатилади.

14/1

(Саттор Хўжа)»

Мана шу усулда Сатторхўжа ўаффорхўжаев ўз лавозимини суиистеъмом қилган ҳолда жами қуйидагича қимматда хазинадан олтин олган: 80.000 сўмлик тилла, 20.000 Бухоро тангаси, 1000 та беш сўмлик рус тилла тангаси.

Булардан ташқари, унинг шахсан ўзи бир марта «31.225 сўмлик тилла», иккинчи марта «18.505 сўмлик тилла олдим» деган ёзув қолдирган. Яна, 1923 йил 15 январ санаси билан қайд этилган БХСР Халқ Нозирлари Қенгаши раисининг хизмат хати (служебная записка) билан 50.000 сўмлик олтин олган. Ушбу хатда «Аҳмаджон Маҳсум! Зудлик билан Саттор Хўжага 50.000 сўмлик олтин бериб юборинг. Аминов» деган сўзлар ёзилган. «Товар»нинг 254-варағида конвертга солинган молиявий ҳужжатларнинг сони 20 та. Биз шулардан баъзи бирларини намуна сифатида қелтирдик, ҳолос.

Булардан маълум бўлиб турибдики, амир хазинасининг «Фрунзе босқини»дан омон қолган қисми қаттагина миқдорни ташқил этган. Бундан эса юқоридагича усулда, яъни нимага сарфланиши ва ни ма учун олинганлиги аниқ қўрсатилмаган ҳолда жуда қатта миқдордаги бойлқ ҳақиқатан ҳам ўзлаштирилганлиги маълум бўлиб турибди. Балки, бу бойликлар Ватан ҳимояси мақсадида «босқинчилик уруши» учун сарфланган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин «Беайб Оллоҳ» деган ҳикмат ҳам бор. Бойлик, айниқса, олтин ҳамиша одамларни йўлдан ургани ҳам маълум.